

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ.**

**БУХОРО ОЗИК ОВКАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

«Маркетинг» кафедраси

***«БИРЖА ИШИ, АУКЦИОН ВА ЯРМАРКАЛАРНИ
БОШКАРИШ»
ФАНИДАН***

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

БУХОРО - 2005

ТУЗУВЧИЛАР:

Кат. улит. Примова А.А.

ТАКРИЗЧИЛАР:

Бух ДУ доценти и.ф.н. Хамраев Х.Р.
Бух ОО ва ЕСТИ доценти Асатов Р.А.

**Маркетинг йуналиши буйча таълим олаётган бакалаврлар учун
мулжалланган.**

Маърузалар матни «Маркетинг» кафедрасининг 06. 2005 йилдаги № 21-мажлисида мухокама килинган ва институт илмий кенгашига тавсия этилган.

Мазкур маъруза матни Бух ОО ва ЕСТИ услубий кенгашининг _____
2005 йилдаги № _____ йигилиши баёни билан тасдикланган.

А Н Н О Т А Ц И Я

Мазкур маърузалар матни уз ичига биржа пайдо булиш тарихи, биржа тузилиши, унинг аъзолари ва уларнинг хукук ва мажбуриятлари, биржа савдо олиб бориш коидалари, биржа келишувларининг турлари ва уларнинг таснифи берилган. Хежирлаш ва фючерс шартномаларининг тушунчаси берилган.

Фонд биржанинг тизими, аъзолари ва биржа ишини ташкил этиш муаммолари, кимматли когозлар тушунчаси, турлари ва киска таснифи ёритилган.

Ушбу курс талабаларнинг мустакил фикрлашга, улар бозор инфратузилмасининг асосий элементларидан бири – биржа, унинг фаолиятига боглик конун ва конуниятларини вазифалари, тамойиллари ва фаолият услубларини урганишга ундайди.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	4
1 -Мавзу: «Биржа иши, аукцион ва –ярмаркаларни бошқариш » фаннинг назарий асослари.....	5
2 – Мавзу. Биржа унинг тушунчаси ва статуси, биржа ташкил топишининг хусусиятлари ва биржа фаолияти.....	8
3 - Мавзу: Савдо катнашувчилари ва уларни олиб бориш тартиби.....	15
4 – Мавзу: Биржа келишувлари.....	18
5 - Мавзу: Брокер миждоз билан ишлаши.....	23
6 – Мавзу: Фьючерс шартномалари.....	27
7 – Мавзу: Хеджирлаш.....	34
8 - Мавзу: Фонд биржалари.....	39
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	51

К И Р И Ш.

Узбекистон Республикасида «Таълим тугрисида» ги конун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да хар томонлама етук ва баркамол ёдрларни тайёрлаш ишлари давлат сиёсатининг устувор йуналиши деб хисобланади. Ушбу ишларни амалга ошириш борасида Вазирлар Махкамасининг 2001 йил, 16 август, 343-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган бакалавриятнинг таълим соҳалари бўйича Давлат таълим стандартлари жорий қилинди. Амалдаги йтандартлар асосида тайёрланган дастур «Биржа иши, аукцион ва ярмаркаларни бошқариш» фанининг назарий, услубий, амалий мавзулари ва масалаларини ўз ичига олган бўлиб, фанни урганишнинг замонавий педагогик, ўқув-ўслубий, илмий ва амалий технологияларга асосланади. Мазкур маъруза матни иқтисодий йуналишдаги бакалаврият талабаларини ўқитишга мулжалланган.

Ўқитишнинг мақсади талабаларга биржа иши, аукцион ва ярмаркаларни бошқариш фаолиятининг умумлаштирилган назарий, методологик ва амалий билим ва қўникмаларини бериш хисобланади.

Ўқитишнинг вазифаси талабаларни биржа иши, аукцион ва ярмаркаларни бошқариш бўйича илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ҳамда амалий-ишлаб чиқариш фаолиятга тайёрлаб боради.

«Биржа иши, аукцион ва ярмаркаларни бошқариш» фани бакалаврият йуналишлари билан асосий фанларидан бири бўлиб, бу бошқа фанларга асосланади ва улар билан ўзвий боғланган.

Талабалар фанни урганиш натижасида фанни ўқитишдан қўзланган мақсад ва вазифаларга эришишлари лозим, шу доирада олган билим, ўқув ва қўникмаларини илмий-тадқиқот ва амалий-ишлаб чиқариш фаолиятларида қўрсатилган таълим йуналишлари бўйича Давлат таълим стандартларида талаб қилинганидек самарали қўллай олишлари керак.

1 -Мавзу: «Биржа иши, аукцион ва –ярмаркаларни бошқариш » фаннинг назарий асослари. Маъруза.

- 1.Биржа пайдо булиши ва ривожланишининг тарихи.
- 2.Биржанинг бозор иктисодиётида урни ва аҳамияти.
- 3.Аукцион ва ярмаркаларнинг бозор инфратузулмасидаги урни.

Таянч иборалар :биржа,биржа статуси,биржа божи,биржа биллутени,биржа келишувлари,биржа котировкаси,биржа мажлиси,биржа обороти, биржа конунчилиги, биржа кумитаси, битимлар, брокер, маклер, лот туп.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Узбекистон ХХІ аср га интилмоқда. – Т.: Узбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Иктисодни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз. – Т.: Узбекистон, 2000
3. «Биржалар ва биржа фаолияти тугрисида». Узбекистон Республикасининг конуни. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган.
4. «Қимматли қозғалар ва фонд биржаси тугрисида». Узбекистон Республикасининг конуни. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган.
5. Павлов С.В. Фондовая биржа и ее роль в экономике современного капитализма. – М.: Финансы и статистика, 1999
6. С.Н.Усмонов, Ю.Т.Дадабоев. Бозор иктисодиёти асослари. Фан нашриёти, 1999 й.
7. Е. Абдуллаев., Ш.Шоҳаъзамий. Қимматли қозғалар Т. Мехнат 1997 й.

1.1. Биржа пайдо булиши ва ривожланишининг тарихи.

Биржа (Голландчадан Beurs, немисчадан Borse-хамён)-бозорни уюштиришнинг ташкилий шакли.биржа- бу сотувчилар билан товарлар, валюталар, қимматли қозғаларни сотиб олувчилар уртасида улгуржи битимлар тузишни таъминловчи савдо воситаси органидир.

Даставвал мавжуд товар биржаси пайдо булди. У мануфактура ишлаб чиқаришига, шуишлаб чиқариш даврига мос эди. Унинг ҳозирги биржаларга ҳам хос булган алоҳида хусусиятлари шунда эдики, савдо-сотик мунтазам янгилаб борилар, савдо муайян жойда утқазилар ва олдиндан белгиланган қоидаларга буйсунади. Биржа операцияларининг энг характерли тури нақд товар билан савдо қилиш эди. Бу босқичда биржа савдоси факат экспортчи билан импортчи , савдогар

билан ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи урталаридаги алоқаларини белгилайди. Биржаларни таъсис этиш нихоятда секин борди ва асосан халқаро савдо билан банд бўлган етакчи портлар билан чекланарди.

Биринчи махсус биржа биноси 1531 йили Антверпенда қурилди. Бу бино хашаматли бўлиб, пештокига чиройли қилиб «Турли тилларда гаплашадиган бутун дунё савдогарлари учун» деган сузлар ёзилган эди. Шундай қилиб, Антверпен биржаси жаҳон халқаро молиявий ишларининг марказига айланди.

XVII аср бошларида келиб, савдо ва молиявий ишлар тез суръатлар билан ривожланиб, асосий биржа ишлари Антверпендан Амстердам шаҳрига кучди. Амстердамда 1628 йили махсус биржа учун хашаматли бино қурилди. Бу бинонинг кенг, катта залида 8 мингтагача одам бемалол иш юритиши мумкин эди. Амстердамда жойлашган Англиянинг «Ост-Индия» компанияси Нидерландияни жаҳоннинг кучли молиявий давлатига айлантирди.

Бу биржада ҳар куни камида 6000 га яқин одам йиғилиб, ўзи учун керакли барча саволларга тулик жавоб олар, савдо-сотик ишларини бемалол бажариб кетарди. Европанинг барча савдогарлари бу ерда учрашиб, жаҳон бозорларининг жадал суръатлар билан ривожланишига таъсир курсатардилар.

Урта Осиё (Мовароуннахр) ҳудудида биржа бўлмаган. Аммо V- VI асрлардан бошлаб барча қурайлиқлар ва шароитларга эга бўлган катта қарвонсаройлар қурилиб, ана шундай масканларда турли мамлакатлардан келган савдогарлар йиғилиб, жаҳондаги янгиликлар ҳамда бозорлардаги турли товарлар нархини аниқ билиб олардилар.

XVII аср бошида биринчи марта фонд биржаси ташкил қилинди. Испаниялик савдогар Жозеф де ла Вега ўз китобида шундай ёзади: «1612 йили «Ост - Индия» компанияси ўз акциялари учун 57,5 фоиз дивиденд (акциядан келган даромад) тулади.

Компания дастлабки 8 йиллик фаолиятида 1282 фоиз дивиденд тулади. Бу йилига 19 фоизни ташкил этар эди. Шундан кейин бу компанияларнинг акциялари нархи кутарилиб кетди. Қуриниб турибдики, агар акциядор бошида шу компанияга 100 сум пай улушини қушган бўлса, 8 йилдан кейин 128200 сум дивиденд олган.

XVIII аср бошларида жаҳон молия бозорининг маркази секин аста Лондонга куча бошлади. Бундай бўлишига сабаб шуки, 1625 йили Амстердам биржасига Буюк Британия қиролининг жавахирлари ва қимматбаҳо тошлари 30000 фунт стерлинг қарз олиш учун гаровга қуйилди. 1695 йилга келиб, Лондонда қирол биржаси давлат қозғалари ва акциядорлари билан эркин савдо қила бошлади. Шундай қилиб, фонд биржаси пайдо бўлди. Фонд биржаси қимматли қозғаларнинг муомалада бўлишига имконият ва шарт-шароит яратиб, уларга доир керакли маълумотларни таркатади. У бозор иштирокчилари юқори даражада иш юритишларига ёрдам берадиган молиявий ташкилот ҳисобланади.

АҚШдаги фонд биржалари тажрибасидаги айрим маълумотларга қараганда, шу кунлари бу мамлакатда 13 та фонд биржаси фаолият курсатмоқда. Шулардан 3 та йириги Нью-Йорқдадир. Бу биржалар асосан 1792 йили ташкил этилган бўлиб, ҳозир АҚШ фонд биржаларига тегишли турли битимлар, шартнома ва қелишувлар, қимматли қозғалар савдосининг 80 фоизи амалга

оширилади. Товар хом ашё биржасига караганда фонд биржаси хужжатларининг айланма ҳаракати қарийб 30 марта қудир.

Нью – Йорк фонд биржасининг 1366 аъзоси бор. биржада ҳар бир жлй учун 40 минг АКШ долларидан, айримларига 500 минг долларгача тулаш керак. Ҳозир АКШдаги акциядорларнинг сони 50 млн.дан ошиб кетди. Америка иктисодиётининг тез суръатлар билан ривожланишига асосий сабаб – бу қимматли қозғалар ҳисобидан тушган маблагларни керакли йуналишларга сафарбар қилинишидир.

Агар компаниянинг молиявий аҳволи яхшиланиб, унинг акциялари доимо сотилса ва унга талаб бўлса, бу компания иккиламчи бозор биржада уз акцияларини сотишга ҳаракат қилади. Қайсидир компания акциясининг фонд биржасида пайдо бўлиши ва сотилиши бу компаниянинг халқаро миқёсда танилиши ва унга қенг йул очиб берилиши демақдир.

Агар қайсидир компания акцияси Нью Йорк қимматли қозғалар бозорида пайдо бўлса, бир неча ҳафтадан кейин унинг акциялари Европада энг йирик фонд биржаси ҳисобланган Франкбург – Майн, Лондон, шунингдек, Токио ва бошқа жаҳон молиявий марказларида эркин сотилади ва сотиб олинади. Бундай акциялар доимо қадрланади ва ҳаридорғир бўлади.

АКШда фаолият қурсатаётган 200 мингга яқин турли акциядорлик бирлашмалари, қорхоналари ичидан атиги 300 тасигина фонд биржаларида уз молиявий операцияларини эркин, ҳеч қандай тусиксиз амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бундан қурииб турибдики, чет элларда фонд биржасига ҳақиқий, доимий аъзо бўлиш жуда ҳам қийин. Ҳақиқий ақл-идрок, уйлаб, маслаҳат билан иш олиб қорувчи иктисодий, юридик, сиёсий билимли раҳбарларгина уз компаниялари акциядорларига қафиллик бера оладилар. Саноат инқилоби хом ашё ва озик овқатга бўлган улқан талабни қенгайтириб юборди, савдо ҳажми ва ҳилининг қупайишига олиб қелди, товарлар сифатининг ухшашлигига ва етқазиб беришнинг мунтазамлигига талабни қучайтирди. Машина ишлаб қикаришнинг мана шу талабларини қондириш қарурияти дастлабки турдаги биржаларнинг узғаришига, унинг янги шароитларга мослашувига олиб қелди. Ҳусусан, бозор жойини бериш, биржа олди-сотдисини ташқил этиш ва савдо одатларини қайд қилиш билан бирга нисбатан стандартларни белқилаш, намунавий қонтрақтларни ишлаб қикариш, нархларни қотировқа қилиш, бахсларни қартараф этиш(Арбитаж) ва аҳборот фаолияти ҳам товар биржасининг асосий вазифаларига айланиб қорди. Биржалар аста-секин халқаро савдо марказларига айланди. Узбекистонда биржа фаолиятининг бошланиши 1991 йилнинг қарт ойида очик турдаги акциядорлик қамияти сифатида «Тошқент» универсал республика товар- фонд биржасининг очилиши билан боғлиқ. Шу давр мобайнида қарийб 36 та товар-хом ашё биржалари очилди. Аммо, қонуний, меъёрий –ҳуқуқий базанинг йуқлиги, шунингдек биржа фаолияти қобида амалий тажрибанинг ҳамда биржаларнинг экспорт учун товарларга лицензиялар берадиган ташқи иктисодий органлар, божқона ҳизмати, молия ва солиқ идоралари билан узаро алоқалоар механизмининг йуқлиги туфайли аввал бошданок биржа, брокер синғари тушунчалар ва биржа фаолияти билан боғлиқ бошқа узга ҳос воқелиқларининг обрусиди тушиб қетди.

1992 йил июн ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Биржа ва биржа фаолияти тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилди. Бу қонун билан биржа, биржа товари ва биржа фаолияти тугрисидаги асосий қоидалар белгиланди.

1.2. Биржанинг бозор иқтисодиётида урни ва аҳамияти.

Дастлабки биржалар валюта ва фонд биржаларининг илк қуринишлари сифатида ташкил топиб, пул – материал идоралари бўлган. Товар биржалари кенгрок пайдо бўлди. Кенг маънода товар биржаси кутара савдо қилинадиган қатта ҳажмдаги турли туман товарларни реализация қилиш жойидир. Товар биржаси иш жойи, куни, вақти қурсатилган товар операцияларини утказадиган доимий барқарор воситачилиқдир. Қоидага қура у, бирорта товар ёки тор доирадаги товарларга мулжалланган. Бундай товарлар одатда нефть, дон, шакар қаби оммавий, стандарт товарлардан иборат бўлади. Биржанинг яна бир характерли томони шундаки, сотиладиган товар дуқонидан ёки бозорда турганидек биржада сакланмайди. Товарлар у ҳақидаги барча маълумотлар ва унга мос қелувчи қафолат асосида сотилади. Товар нархи харидорлар билан бўлган узаро шартлашувдан ҳал қилинади. Қомонавий ва ривожланган биржалар мана шу тариқа ишлайди.

Демак биржа сотувчи билан истъқолчини юзма-юз қилади ва улгуржи бозор нархини белгилайди.

1.3. Аукцион ва ярмарқаларни бозор инфратузилмасидаги урни.

Аукционлар- алоҳида хусусиятларга эга бўлган товарларни сотиш учун муайян жойларда ташкил қилинган махсус қим ошди савдо муассасаси. Аукционда савдо товарларнинг нисбатан қекланган руйҳати бўйича, оммавий сотувга қуйиш йули утказилади. Аукцион эълон қилинган вақтда ва маълум даврда утказилади. Бунда товарларнинг бозорга қелиб тушиш мавсуми ва ҳажми ҳисобга олинди. Аукцион савдосида намуна товарлар руйҳатда қурсатилган тартибда савдога қуйилди, харидорлар орасида энг юқори нархни тақлиф қилган товарни сотиб олади.

Аукционларда санъат асарлари, ноёб буюмлар, қоллекциялар ҳам сотилиши мумкин. Савдо ярмарқалари маълум вақтда утказилиб, бу ерда товарлар улгуржи равишда олди-сотди қилинади. Товар савдоси унинг эгаси билан савдо фирмаси уртасида юз бериб, унда бевосита истъқолчи қатнашмайди.

Савдо уйлари – савдо муассасасининг махсус тури. У ихтисослашган ёки универсал бўлиши мумкин. Ихтисослашган савдо уйи айрим товарлар билан (қийим-кечак, оёқ қийим, газлама ва х.к..) универсал савдо уйи ҳар қил товарлар билан савдо қилади. Савдо уйлари тарқибида савдо фирмалари муҳим урин тутати. Улар тижорат ишини юритувчи ва ихтисолашган савдо-сотик қорхоналаридир. Фирмалар мустақил ёки йирик саноат қорпорациялари тарқибида иш юритиб, улгуржи ва қакана савдо билан шугулланадиган турларга бўлинади. Айрим фирмалар ҳар иққала савдо тури билан ҳам шугулланади.

Улгуржи савдо фирмалари товарларни уз мулкига сотиб олиб, кейин истеъмолчиларга сотади. Чакана савдо фирмалари хар хил шаклни олиб, улар мустакил дуқонлар, махсус дуқонлар, ва супермаркетлардан иборат булади.

Супермаркет –бу харидорнинг уз-узига хизмат курсатишига асосланган кенг тармокли савдо корхонаси. У товарларнинг деярли хамма турлари билан жумладан, импорт товарлар билан савдо килади.

Супермаркет харидорларига бепул маслахатлар беради, товарларни буюртма буйича харидор уйига етказилади, уларга маданий- маиший хизмат курсатилади.

Куп тармокли ташки савдо фирмалари хам савдо уйи деб аталади. Улар уз номидан ва купинча узлари хисобидан экспорт-импорт хамда бошка савдо алокалари олиб боради.Ташки савдо уйлари савдо корхоналарини сотиб олиш жихоз ва ускуналарни ижарага топшириш, кредитлар бериш, сугурта хизмати курсатиш билан молия ва ишлаб чиқариш хизматидан катнашади.

Инфратузилма тизимида молия-кредит муносабатларига хизмат килувчи муассасалар алохида уринга эга. Улар молия бозори, унинг асоси булган капитал бозорини шакллантиради ва амал килиш тартиб-қоидаларини урнатади. Молиявий муассасалардан купчилиги узига хос белгиларига эга булсада, уларнинг барчасига битта умумий белги хос. Улар узларининг мажбуриятларини билдиради, яъни маблаглари ортикча булган субъектлардан пул карз олади ва уз номидан маблаглари етишмаган субъектларга пул карз беради.

Бозор инфратузилмасининг банклар, сугурта компаниялари, солиқ ва божхона идоралари каби муассасалари молия-кредит муносабатларида алохида узига хос урнига эга.

Такрорлаш учун назорат саволлари.

1. Биржа қачон пайдо булади?
2. Биржа қандай вазифаларни бажаради?

2 – Мавзу. Биржа унинг тушунчаси ва статуси, биржа ташкил топишининг хусусиятлари ва биржа фаолияти.

1. Биржа тушунчаси. Биржа статуси, унинг вазифалари ва ҳуқуқлари.
2. Биржа тузилиши.
3. Биржа ташкил топишнинг хусусиятлари.
4. Биржа аъзоларининг ҳуқуқлари ва бошқарув органлари. Бозор фаолиятининг қонуний асослари.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср га интиломқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

2. Каримов И.А. Иктисодни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000
3. «Биржалар ва биржа фаолияти тугрисида». Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган.
4. «Қимматли қогозлар ва фонд биржаси тугрисида». Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган.
5. Павлов С.В. Фондовая биржа и ее роль в экономике современного капитализма. – М.: Финансы и статистика, 1999
6. С.Н.Усмонов, Ю.Т.Дадабоев. Бозор иктисодиёти асослари. Фан нашриёти, 1999 й.
7. Е. Абдуллаев., Ш.Шоҳаъзамий. Қимматли қогозлар Т. Мехнат 1997 й.

2. 1. Биржа тушунчаси. Биржа статуси, унинг вазифалари ва ҳуқуқлари.

Бозор тизими самарадорлиги бозор инфраструктурасининг ривожланиши даражаси ва хусусияти билан белгиланади. У бозор асосий субъектлари-ишлаб чиқарувчилар ва бозор тизимида яхлитлик ҳамда муқамаллик белгилайди. Бу инфраструктурасининг асосий элементлари.

- Савдо қорхоналари, биржалар, банклар, молия ва солиқ тизими аудиторлик ва сугурта механизми Ўзбекистонда барпо этилди.

Улар сирасига

- Республика валюта биржаси;
- Вилоятларида даллоллик идоралари эга бўлган Республика фонд биржаси
- Республика қучмас мулк биржаси;
- Хусусий сармояга асосланган сугурта компаниялари.
- Хусусий инвестициялар бўйича «Ўзбекистон халқаро банки»
- Тижорат банклари
- Вилоят марказларида инвестиция жамғармалари ва инвестиция дуконлари қиради.

Биржа – мунтазам иш олиб боровчи улғуржи бозорнинг энг ривожланган шакли бўлиб, унда стандартлар ва намуналар бўйича товарлар алмаштирилади, қимматбаҳо қогозлар ва валюта сотилади.

Ярмаркалардан фарқли равишда товарларни сотиш чоғида битишувлар мавжуд товарлар юзасидан амалга оширилмайди.

Биржа савдоси объекти ҳисобланувчи товар турларига боғлиқ ҳолда биржалар ҳам турли –туман бўлади. Товар биржалари – стандартлар ва намуналар асосида моддий буюм товарларни кенг қуламда сотиш ва сотиб олиш бўйича шартномаларни тузувчи мустиқил ихтисослашган нодавлат ташкилотлардир. Товар биржа савдосини ташкил этиш ва тартибга солиш йули билан улғуржи бозорни шакллантирувчи бозор иктисодиётининг

классик муассасасидир. Муайян жойда ва белгиланган вақтда утказиладиган ошкора оммавий олди-сотди вақтида товар битишувлари учун энг кулай шарт-шароитларни вужудга келтириш товар биржаси фаолиятининг асосий мазмунидир. Биржа ҳукукий шахс ҳукуклари булган ташкилот сифатида олди-сотди битишувларида бир томон булиб катнашмайди. Яъни савдо воситачилик фаолиятини амалга оширмайди. Товар биржасининг асосий вазифаси доимий иш олиб боровчи товар бозорини ташкил этиш ва биржа олди –сотдиси катнашчиларига воситачилик-ахборот ва бошқа хизматларни курсатишдан иборат. Биржа механизми муайян қонун-қоидаларга бўйсунувчи очик бозор, нарх-наво эркинлиги эркин савдони қўзда тутди.

Фонд биржаси-қимматли қўғозлар бозорининг асосий элементи ва воситасидир. У қимматли қўғозлар олди-сотдисини бошқарувчи ва назорат қилувчи мустақил хусусий акционерлар ёки давлат муассасалари томонидан муомалага чиқарилади. Фонд биржаси қимматли қўғозлар савдоси асосида яшайди, шунинг учун улар қимматли қўғозларга булган талаб ва таклифларни уз вақтида бошқаради ва уларнинг бозор нархини белгилаб беради. Дастлабки бозордаги қимматли қўғозлар ва уларнинг элементларини сотишдан фарқ қилган ҳолда, фонд қўғозлари илгари чиқарилган қимматли қўғозлар муомалада булган иккинчи қимматли қўғозлар бозорини ташкил этади ва хизмат қўрсатади.

Валюта биржаси- чет эл валюта биржалари бозорининг ажралмас, шу билан бирга унинг таркибию қисми . валюта биржаларининг асосию фаолияти чет эл валюталарининг нормал ҳаракатини таъминлаш ёки чет эл валютасини узаро сотиш орқали маблағни қўғда ёки чет эл валютасида ишга солишдан иборат.

Мехнат биржаси- узиға хос биржа тури булиб, аҳолини иш билан таъминлаш, ёлланма ишчиларни уринларига жойлаштиришда воситачилик қилади. Мехнат биржаси ишсизликни бартараф этишга ишчилар малақасини оширишга ёрдам беради.

2.2. Биржанинг тўзулиши. Биржанинг энг аввало марказий, ички ва ташқи чет органлари қўзға ташланади. Марказий ва ички органлар биржанинг узида жойлашган булиб, савдони бевосита ташкил этувчи ва амалга оширувчи, битимларни расмийлаштирувчи ишчи аппаратларидир. Ташқи, чет органлар асосан савдодан кейинги ишларни бажаради, миқдорларға хизмат қилади, жойларда сотувчи ва олувчилар билан иш олиб боради. Қаерда товарға талаб ва таклиф пайдо булса, улар уша жойда ҳозирю нозир. Мамлакатнинг истаган бурчагидан уларни топиш мумкин. Уларни одатда буюртмаларни қабул қилувчи брокерлар деб аташади. Биржанинг асосий элементлари, биржа операциялари иштирокчилари ҳақида қисқача тўхтайлик. Брокер идоралар ва фермерлар товар ҳақидаги таклифлар билан биржани таъминлаб туради ва олди-сотди ишларининг амалга ошишиға ҳисса қўшади.

Брокерлар товарни сотувчилар ва харид қилувчилар уртасида воситачилик қиладилар ҳамда биржанинг ишқили вақили сифатида иш олиб боришади.

Брокернинг биржада махсус ажратилган жойи булади.

Уз номидан ва уз хисобидан биржада воситачилик килувчиларни диллер ёки жобберлар деб аташади.

Биржа кумиталари (комиссиялари) олдиндан белгилаб куйилган маълум бир биржа операцияларини тайёрлаш ва утказиш билан шугулланадилар.

Катировка кумитаси бозор конъюктурасидан олдин амалга оширилган битимлардан келиб чикиб биржа товарларига уртача нарх куяди, яъни нарх курсини белгилайди.

Ахборот хизмати бутун биржани ахборотлар, янгиликлар билан таъминлаб туради.

Ихтисослашган савдо секцияларига булинган ва хар кайсида алохида савдо битимлари тузиладиган катта биржа зали булиб, у биржанинг бош, хал килувчилар маконидир.


Бундан ташкари биржанинг секциялари халкасида, асосий сахнасида товарларни сотиб олиш ва сотиш операциялари нихоясига етади.

Тузилган шартнома, битимларни руйхатга олувчи секцияларидан бирида регистрация бюроси кумитаси мавжуд булиб, у ерда томонлар келишган товар бахоси катъий расмийлаштирилади. Зарур пул операцияларини ва унга кушимча айрим хисоб- китоб палатаси мавжуд.

Биржа таркибида арбитраж комиссияси хам ишлайди, улар биржада хукук тартиботни таъминлайди, томонлар уртасидаги низоларни бартараф этади.

Биржа тузилиши

Брокернинг биржа буйича маршрути



2.3. Биржа фаолияти- товарга булган талаб уларни таклиф килишнинг амалда мавжуд нисбатларини аниклаш ҳамда уни ҳисобга олган ҳолда нарх-навои шакллантириш асосида биржа товарларига қаратилган ҳаракатларнинг мажмуидан иборатдир.

1.Биржалар ихтисослашувига қараб: товар биржалари, шу жумладан универсал ва ихтисослаштирилган биржалар;

-Фонд биржалари,

- Валюта биржалари,

- Товар фонд биржалари;

Интеллектуал мулк объектлари билан савдо сотик қилувчи биржалар;

Аралаш биржалар бўлиши мумкин.

2.Фонд ва валюта биржалари, товар фонд биржаларнинг фонд булимлари фаолиятининг узига хос жиҳатлари махсус қонунлари билан тартибга солинади.

Биржа- голландча суз бўлиб ҳамён деган маънони англатади ва у бозорни уюштиришнинг ташкилий шакли ҳисобланади. Биржада брокерлар, диллерлар, трейдерлар фаолият қурсатадилар.

2.4. Биржа аъзоларининг ҳуқуқлари ва бошқарув органлари. Биржа фаолиятининг Ўзбекистондаги қонуний асослари:

Биржа қуп ҳолатда акционерлик жамияти тарзида ташкил топади. Шу билан бирга ширкатлар, масъулияти чекланган жамият, аралаш ширкат ёки баъзан хусусий қорхона тарзида ҳам шаклланиб ишлайди. Аксарият биржалар ёпик ҳолатдаги акционерлик жамиятидир. Биржа акциялари очик савдода сотилмайди. Биржа узининг ташкилий - ҳуқуқий шаклига қура асосан давлат ташкилотига тегишли бўлмай, нодавлат шаклига эга булган тижорат қорхонасидир.

Узимизнинг фуқаролар билан бирга чет эл фуқаролари, ташкилотлари ҳам биржанинг аъзоси бўлиши мумкин. Бунда қонун йули билан тадбиркорлик қилишга руҳсат берилиши инобатга олинади.

Биржани бошқариш, бошқарув органларининг структураси ва функциялари одатда акционерлик жамияти асосида олиб борилади.

Бошқарувнинг юқори органи бир йилда бир марта қақириладиган биржа аъзоларининг умумий йигилишидир.

Биржанинг юқори ижроия органи директорлар қенгаши деб аталадиган биржа қенгашидир. У ойда бир марта баъзан ҳафтада бир марта қақирилади.

Қенгаш биржа қенгаши умумий йигилиш вазифасига қирмаган ҳар қандай масалани мустақил ҳал қилади.

Биржа қенгаши ҳал қиладиган масалаларга умумий йигилиш материалларини тайёрлаш, ижроия дирекция ишига раҳбарлик қилиш, молия ишларини бошқариш, биржанинг вақтинчалик иш режани белгилаш, савдони утқазилш, нарх қотировқасини қурсатиб туриш, савдолашни ташкил этиш, брокерларни руйҳатдан утқазилш қақилар қиради.

Биржанинг кундалик долзарб ишларига бошчилик килиш учун кенгаш, правление, ёки ижроия дирекцияси тузилади.

Йирик биржалар бошқарувида тезкор ишларни бажариш учун дирекция тузилади.

1992 йил июн ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Биржа ва биржа фаолияти тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилди. Бу қонунда биржа мақоми, биржа фаолиятининг тартиби, ҳужалик ва молия органлари қабилар билан узаро муносабатлар белгилаб берилди.

1994 йил 21 январдаги Ўзбекистон республикаси президентининг «иктисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкнинг ҳимоя этилишини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоралари тугрисида»қабул қилинган қарори билан биржа фаолиятини ривожлантиришга янги шароит яратди. Мазкур қарорнинг 11- банди алоҳида аҳамиятга эга, унда товар ҳом-ашё биржалари иштирокида қорхоналар ва ҳужаликлар ихтиёрида қолган товарлар ҳамда маҳсулотлар сотиш юзасидан улгуржи ярмаркалар ташкил этиш ва утқазилни амалда тадбир этиш қўзда тутилган.

1994 йил 28 февралдаги «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмасини таъсис этиш ва унинг таркибида Республика акциядорлик товар ҳом-ашё биржасини тузиш тугрисидаги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўриғида қўйилган қарорларнинг ижроси учун Қазирлар Маққамаси 1994 йил 25 мартда «Ташки савдо операцияларини тартибга солиш тадбирлари тугрисида » 163-қонли қарор ва 1994 йил 19 апрелда «маҳсулот ва товарларни сотиш учун республика ярмаркаларини ташкил қилиш ва утқазил тугрисида »216-қонли қарор қабул қилди ва шу тариқа «Республика товар-ҳомашё биржалари ва республика ярмаркаларидан сотиб қўйилган маҳсулотни олиб қилиб қетишнинг вақтинчалик тартиби» тасдиқланди .

Ўзбекистон Республикаси Қазирлар Маққамаси 1995 йилнинг 9февралда «1995 йилда биринчи навбатда зарур бўладиган товарлар билан истеъмол бозорини қўлдаришнинг қўшимча қоралари тугрисида»ги 42- қонли қарорни қабул қилди ва унга қиноан бирча қилоят марказларида ҳамда Қоракалпоғистон Республикасида Ўзбекистон товар-ҳом ашё биржасининг бўлиқлари очилди.

1995 йилнинг 1 мартдан эътиборан, 1994 йилнинг апрел ойида ташкил этилган доимий ярмарка «Ўзулгуржибиржасавдо »таркибидан олиниб,товар-ҳом ашё биржасига утқазилди.

Ўзбекистон Республикасида фонд биржаларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг узига ҳос қихатлари «қимматли қозлар ва уни тартибга солиш тугрисида»ги қонун билан тартибга қолинади.

Такрорлаш учун назорат саволлари.

1. Биржа ташкил қилишнинг хусусиятлари.
2. Биржа фаолиятининг қонуний асослари.
3. Биржа товарларига нималар қиради?

3 - Мавзу: Савдо катнашувчилари ва уларни олиб бориш тартиби.

Маъруза 1.

1. Биржа аъзолари ва биржа мажлисларини олиб бориш тартиби ва катнашувчилар.
2. Биржа товари ва товарларни савдодан тушириб қолиш тартиби.

Маъруза 2.

3. Биржа савдоларининг шакллари.
4. Савдо олиб бориш тартиби.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср га интиломда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000
3. «Биржалар ва биржа фаолияти тугрисида». Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган.
4. «Қимматли қозғалар ва фонд биржаси тугрисида». Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган.
5. Павлов С.В. Фондовая биржа и ее роль в экономике современного капитализма. – М.: Финансы и статистика, 1999
6. С.Н.Усмонов, Ю.Т.Дадабоев. Бозор иқтисодиёти асослари. Фан нашриёти, 1999 й.
7. Е. Абдуллаев., Ш.Шоҳаъзамий. Қимматли қозғалар Т. Мехнат 1997 й.

Таянч иборалар; биржадаги савдо, маржа,

3.1. Биржа аъзолари ва биржа мажлисларини олиб бориш тартиби ва катнашувчилар. Брокер –(ингиз сузидан келиб чиққан булиб-broker) товар, валюта, сугурта ва фрахт бозорларида сотувчилар ҳамда харидорлар (мижозлар) уртасида олди сотди-қилишга ёрдам беради. Брокерлар , одатда, мижоз топширигига қура ва унинг ҳисобига иш юритади, қаролат тулов қобилияти қаролатланган банк маълумотини тақдим этади .

Брокерлик ваколатхоналари-тижорат банкларида биржа харакатларини амалга ошириш учун олинадиган воситачилик ваколатхоналари. Улар корхона,ташкilotлар ва хусусий шахсларга бошлангич нархини белгилаб,харидорлар топишга ёрдам беради.

Йирик брокерлик идоралари харидорга карз беришда банклар билан ҳамкорлик килади, айрим холларда узлари кредитор буладилар, битимлар бажарилишига кафилликни ҳам уз гарданларига оладилар. Катта брокер гоф брокер деб аталади.

Маклер – товар ва валюта биржаларида тузиладиган келишувларда даллол (к. брокер)

Республикамизда бозор иктисодиёти муносабатларининг янада чуқурлашиши дехкон, фермер, ширкат хужаликлари сотиб олаётган стратегик ахамиятга эга булган юкори ликвидли товарларни эркин ракобат асосида биржа савдосида иштирок килиб оладилар.

Биржа мажлисида – биржа товарларига талаб ва таклифлари аникланади ҳамда мажлис катнашчилари билан бевосита ёки брокерлар (маклерлар) оркали келишувлар расмийлаштирилади. Биржа мажлиси тартибини биржа кумитаси белгилайди ва биржа аъзолари унга катъий риоя килишлари шарт. Биржа мажлиси хар куни маълум соатда указилади.

3.2. Биржа товари ва товарларни савдодан тушириб колиш тартиби.

Биржа савдоларига ўзингиз етиштирган бугдой, гўшт, сут ва бошка полиз ва чорва махсулотларини кўйишингиз мумкин.

1. Биржада хатто 30 кун ичида етиштиришингиз мумкин бўлган товарни ҳам сотишингиз мумкин.

2. Кишлок хўжалиги махсулотларини сотишдан тушган тушумни омонат дафтарчангизга тушириб. керакли маблағни лозим вақтда нақд пулда олишингиз ҳам мумкин. Бизнинг фикримизча, дехкон-фермер ўз меҳнатига муносиб даромад олиши керак. Бунинг учун, ривожланган мамлакатларда бўлгани каби дехкон-фермер махсулотни етиштириш билан, савдо мутахассислари-брокерлар эса ушбу махсулотларни сотиш билан шугулланишлари керак бўлади. Бозор иктисодиёти очган хар томонлама манфаатли имкониятлардан тўлиқ фойдаланайлик!

Биржа савдоларида фақат брокерлар, маклерият ҳамда хисоб-клиринг палатаси иштирок этганлиги сабабли сиз биржа савдоларида тўғридан-тўғри катнаша олмайсиз. Товар сотиш ёки харид килишиниз учун брокер ёллашингиз ёхуд брокерлик контораси очишинигиз лозим бўлади. Брокер ёллаш у билан шартнома тузиш оркали амалга оширилади. Хозирда, хар бир фермер-деҳкон хўжаликлари учун аник бир брокер бириктирилган. Ушбу брокер, шартнома тузилгач, сизнинг номингиздан савдода иштирок этади. Савдодан сўнг, сотувчи брокер ва харидор брокер томонидан имзоланган ҳамда маклер имзоси билан тасдиқланган тикет-савдо битишуви сизга

берилади. Ушбу тикет асосида сотувчи билан шартнома тузиб, керакли маблагни хисоб клиринг палатасига ўтказасиз ва энг узоги билан 5 кунда товарни қабул киласиз. Беш кун ичида товарни ола олмасангиз, хисоб-клиринг палатаси томонидан сотувчи жаримага тортилади.

Масалан, сиз бугдой сотмокчисиз. Энг аввало, сизнинг туманингизга бириктирилган брокерни ҳамда энг якин ЎзРТХБнинг бўлинимасини топишингиз керак бўлади. Бунинг учун тумандаги филиалга телефон киласиз. Брокерни ва ЎзРТХБ филиали жойлашган жойни билганингиздан сўнг, брокер билан учрашиб, у билан шартнома тузасиз. Колган барча ишни брокер ўз зиммасига олади. Сиз эса ўз кундалик юмушларингизни бажараверасиз. Бугдой сотилган куни брокер сизни тспади ва сизга тикет (шартнома)ни топширади. 5 кун ичида омонат дафтарчангизга пул гушади. Шуниси эътиборга лойикки, савдодан тушган бу маблагни исталган вақт нақд пулга айлантиришингиз мумкин. Агар ўз пулингизни 5 кун ичида, харидор пул ўтказмаганлиги сабабли ола олмасангиз, Биржа сизни ўз химоясига олади ва харидорни жаримага тартади. Биржа томонидан жарима сифатида ундирилган пул сизнинг омонат дафтарчангизга ўтказиб берилади

3.3. Биржа савдоларининг шакллари. Биржа савдолари 3 турда бўлиб, товарлар хусусиятига қараб, улардан бирида савдога қўйилади:

1 . Биржа	савдоларида	бир	хил	стандарт
хоссаларига	эга	бўлган	улгуржи	гурухлар
сотиладиган	ва	олдиндан	кўздан	кечиришни
этмайдиган	юкори	ликвидли	товарлар,	жумладан
ёкилги,	кора	металл	ва ўсимлик	ёги
маҳсулотлар	сотилади.			каби

Кўргазма - **ярмарка** **савдолари** - махсус майдонларда амалга ошириладиган савдо тури бўлиб, унда олдиндан кўздан кечирилиши зарур бўлган товарлар сотилади. Бундай товарларга асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар каби маҳсулотлар қиради.

2. Ким-ошди савдолари орқали ўзига хос хусусиятга эга бўлган ликвид товарлар билан савдо қилинади. Бундай товарлар каторига енгил саноат маҳсулотлари, пахта момиги ва цемент каби ярим тайёр маҳсулотлар қиради. Биржа савдоси қандай тартибда амалга оширилади.

3. 4. Савдо олиб бориш тартиби. Хар бир биржанинг ўзига хос қиёфаси, хусусиятлари савдони ташкил қилиш йуллари мавжуд булиб, улар ҳам ўзгариб, такомиллашиб боради. Биржа операцияларини фақат биржа аъзолари ёки уларнинг вакиллари, шунингдек, биржа аъзоларининг топширигига қура брокерлар бажаради.

Биржадаги барча операциялар хизматлар бошидан охиригача пуллик амалга оширилади. Биржа миждози харажатларини ўзи тулаши керак. Буюртмани қабул қилаётган пайтда миждоз Биржа субъектига қанолат бадалини тулаши

зарур. Бу биржа тизимида «Маржа» деб аталади ва шартномадаги бахонинг тахминан 10% ни ташкил килади.

Биржа қабул қилган олди-сотди буюртмаси операциялар залининг савдо секциясига тушади, сунг қабул пунктида руйхатдан утқазилар, биржа халқасига жунатилади, анна шу ерда масаланинг энг муҳим қисми қабул қилинади. Баъзи буюртмалар норматив текширувдан утолмай қолиб кетади. Асосий савдо сотик биржа халқасида руй беради. Савдода брокерлик билан бирга биржа аъзоларидан ҳисобланган битимларни олиб боровчи ва руйхатги оловчи биржа маклерлари иштирок этади. Савдо иштирокчиларига ҳар хил рангдаги қарточкалар берилади. Иштирокчилар қарточка қутариш ёки бирор бир қул ҳаракати билан брокер ва маклерлар савдо ишларини бошлаб юборадилар. Савдода биржага қилган бошқа одамлар ҳам иштирок этиши мумкин. Одатда, савдони бошловчи маклер савдога қуйилган товарлар ҳақида ахборот беради. Маклернинг ахбороти қизиқиш уйғотса, брокерлар қарточкани юқори қутарадилар. Руйтҳадаги товарлар номи Бирма-бир айтилгач бир оз танаффусдан сунг брокерларнинг таклифлари муҳокама қилинади.

Барча товарларни сотиб олишга хоҳиш билдирувчи брокер сотувчи қамдан қам учрайди. Битим даров руйхатга олинади. Агар бундай ҳодиса руй бермаса товарларни ёки уларнинг бир қисмини сотиб олишни мулжалланган брокерлар таклифлари муҳокама қилинади. Агар битим тузилмаса, унда савдо кечиктирилади. Сотувчи брокер билан оловчи брокер уртасида битим тузилса, маклер регистрация ҳаритасида буни руйхатга олади.

Албатта савдонинг аниқ жараёни анча мураккаб ва турли туман бўлиб, савдони олиб бориш тартиби қуп жихатдан қелишувнинг тури, биржанинг техника воситалари билан таъминланганлигига боғлиқ.

Такрорлаш учун назорат саволлари.

1. Савдо олиб бориш тартиби.
2. Товарларни савдодан тушириб қолиш тартиби.
3. Биржа савдосининг шакллари.

Мавзу-4. Биржа қелишувлари.

Маъруза 1.

1. Биржа қелишувларининг турлари
2. Биржа қелишувларининг классификацияси.
3. Товар биржалари қелишувлари.
4. Реал товарлар билан қелишувлар.
5. Муддатли қелишувлар.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Узбекистон ХХІ аср га интилмоқда. – Т.: Узбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз. – Т.: Узбекистон, 2000
3. «Биржалар ва биржа фаолияти тугрисида». Узбекистон Республикасининг қонуни. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган.
4. «Қимматли қозғалар ва фонд биржаси тугрисида». Узбекистон Республикасининг қонуни. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган.
5. Павлов С.В. Фондовая биржа и ее роль в экономике современного капитализма. – М.: Финансы и статистика, 1999
6. С.Н.Усмонов, Ю.Т.Дадабоев. Бозор иқтисодиёти асослари. Фан нашриёти, 1999 й.
7. Е. Абдуллаев., Ш.Шоҳаъзамий. Қимматли қозғалар Т. Мехнат 1997 й.

4.1. Биржа қилишувлари турлари Биржа битимлари уларнинг муддати ва товарлар хусусиятига қараб икки синфга бўлинади.

Биринчиси реал товар учун тузилган битим. Бу реал битимлар деб аталиб, сотувчи харидорга товарни бевосита топширади.

Иккинчи синф битимлар қисқа муддатли бўлиб, товарни етказиб бериш ҳақидаги шартнома олди-сотдининг объекти бўлиб хизмат қилади. Контрактлар муддатига қараб товар етказиб бериш икки хил бўлиши мумкин: товарни уша пайтда тезда етказиб бериш ёки уни қелгусида етказиб бериш битимлари.

Қасса битимлари ҳам бўлади, бунда товар ҳақки яқин икки-уч кун ичида туланади ва бошқасида товар ҳақки битим тузилган пайтда туланади. Пул маълум муддатдан сунг туланади, яъни товар харидорга кредитга берилади.

Товарни дарҳол етказиб бериш ҳақидаги битимни биз одатда мавжуд товар битими деб атаيمиз. Демак, бундай пайтда товар биржанинг омборхонасига турган бўлиши керак, уни тез орада харидор қабул қилиб олиши зарур. Бор товарга тузилган битим баъзан «далилий» деб ҳам юритилади.

Аниқ муддатли битимда (уни форвард битими деб ҳам аташади) товар биржа контрактида қўзда тутилган муддатда ва контрактда қўзда тутилган муддатда ва контрактдаги баҳо асосида етказилиб берилади.

Товарни етказилиб бериш муддати биржа томонидан белгиланади. Қўрсатилган муддатда товар сотувчи уни биржа қўмитаси қўрсатмасига асосан омборхонага олиб қилиш зарур. Шундан кейин биржа

сотувчига товарни саклаб туриш хакидаги вариант беради. Вариант –бу кимматли когоз, у одатда банкда сакланади ва товарни етказиб бериш муддати тугагунча харидорга берилади. Шу муддат ичида харидор унинг эгасига айланади. Сотувчи билан харидор уртасида тузилган форвард битими гаровли булиб, товарни сотиш ва сотиб олиш кафолатини саклаш учун бир томон иккинчи томонга шартномада курсатилган суммани тулаши керак.

Сотишдаги хеджирлаш деганда, энг аввало, биржада реал товарни етказиб бериш пайтида нархнинг тушиб кетишидан келадиган зарарни қоплаш мақсадида реал товарни сотиб олиш ҳақида битим тузилади. Фьючер контрактини сотиш ҳақида ҳам ҳудди шунча товарга битим тузилади. Масалан, воситачи савдогар жуда катта ҳажмдаги мавсумий товар сотиб олади (дон, пахта, кофе), маълум муддатдан сунг уни уз харидорларига етказиб беришни мулжаллайди, уни сотиб олгандан сунг нарх пасайса у катта зарар қуради. Бундай зарарни қоплаш учун товарни қаердан олганидан қатъий назар уша пайтнинг узидаёқ сотишни хеджирлаштиради, яъни биржада фьючер контрактини сотиш ҳақида битим тузади ва унда шунча товарни етказиб бериш қузда тутилади. Реал товар олиниб қаст нархда сотилганда албатта катта зарар қурилади. Аммо у сотилган фьючер контрактини қаст нархда сотиб, катта фойда олади, мана шу тариқа зарар қопланади.

7.2. Хеджирлашнинг мазмуни ва моҳияти. Сотиб олиш хеджирлашуви - бу фьючер контрактни сотиб олиш. Мақсад – сотувчи аслида эга бўлмаган аммо

келажакда сотиш мумкин булган реал товарни сотиш пайтида контрактда курсатилган хажмда зарар курилиб колмасликдир. Нархнинг кутарилишидан пайдо буладиган йукотишнинг урнини босиш учун шундай операциялар амалга оширилади. Масалан, ун тайёрлаш корхонаси икки ойдан кейин келишган нархда ун етказиб бериш хакида шартнома тузади. Аммо омборхона етишмаслиги туфайли товарни hozir ололмайди, уни 40-50 кундан сунг олиб келишни мулжаллайди аммо уша пайтда бугдойни нархи ошиб кетишини уйлаб, корхона келажакда руй бериш мумкин зарарни коплаш хажмида биржадан фьючер контрактини сотиб олади.

Сотиб олиш муддати келганда бугдойни нархи ошиб колса, корхонага албатта катта зарар етади, аммо шундай корхона биржасида уз фьючер контрактини юкори нархда сотиб, шу билан зарани коплайди. Бугдойни нархи тушганда хам юкоридаги операциянинг тескариси килинади. Яъни фьючер контрактини сотишдан курган зарарни бугдойни арзонга олишдан курган фойдаси билан коплайди.

Хежирлаштиришнинг асосида сотиб олиш операцияси нархни кейинчалик белгилаб олиш битим оркали хам амалга оширилади. Товарни уз муддатида етказиб бериш хакида келишилган харидор келгусида нархи тушади, деган умидда нархни сотувчи контрактни тузган пайтда эмас, балки бошка бир белгиланган пайтда, яъни биржа котировкаси кунида белгилаш хукуки хакида битим тузади.

Фьючер контрактининг хавфини бартараф этиши мумкинлигига яна бир мисол келтирайлик. Пахта заводи октябр ойида етказилиб бериш шarti билан январдан тоннасига 950 фунт стерлинг нархида битим тузади. Пахтанинг нархи ошиб колишини уйлаб, завод контракт тузилган кун биржадан сотилган пахта хажмида фьючер контрактини сотиб олади. Пахтани етказиб бериш муддати келганда пахтанинг нархи тоннасига 960 фунт стерлингга ошади натижада завод тоннасига 10 фунт стерлинг зарар куради. Аммо шу микдорда, шу нархдаги фьючер контрактини бекор кили шоркали реал товарни сотиб олишдан курган зарарни коплайди. Пахтанинг нархи тушиб кетганда хам хежирлаштириш оркали уни хал килиш мумкин эди.

Реал товарларга нисбатан бозор нархлари билан фьючер контрактининг нархи бир бирига тенг келади. Реал товар нархи билан фьючер контракти нархи уртасидаги фарк базис деб аталади.

7.3. Хеджирлашнинг асосий коидалари. Фьючерс битимларнинг бош мохияти реал товарга битим тузганда бозор нархлари узгариб колса, ютказишнинг олдини олишни кафолатлашдан иборат. Фирмалар товарни факат биржада эмас, балки сотувчи билан харидор уртасида тугридан-тугри олиш ва сотиш хакидаги битимларни тузганда улар хежирлаштиришдан фойдаланишади. Хежирлаштириш операцияси максади шундаки, фирма реал товарни сотиб олса ёки сотганда хозирги бахолар асосида келажакда етказиб беришни келишар экан, шу пайтнинг узидаёк тескари операцияни хам амалга оширади. Яъни, худди шу муддатга фьючерс контрактини сотиб олади, товар микдори хам худди шунча килиб курсатилади.

7.4. Ёширин савдо килиш коидалари ва хеджирлаш. Хозирги пайтларда биржа операцияларининг аксариат кисмини чайковчилик битимлари ва хеджирлаштириш ташкил килади. Реал товарга тузилган битимлар биржадан ташкарида – телекс, телетайп, телефон оркали биржадаги типовой контрактлар ва бахо котировкаси асосида амалга оширилади. БМТ нинг халқаро олди-сотди шартномалар ҳақидаги конвенциясига асосан биржа типовой контрактларнинг телекс оркали тузилган битимлари ёзма равишда тузилган битимлар даражасида ҳақ ҳуқуқига эга.

Биржалар ташкилий жихатдан оммавий – ҳуқуқий ва хусусий – ҳуқуқий булади. Биринчиси давлат назоратида бўлиб, биржа ҳақидаги конунчилик асосида тузилади. Маълум оборотга эга бўлган, савдо реестридан утган, шу ҳудудда фаолият курсатаётган ҳар бир тадбиркор унинг аъзоси бўлиши мумкин. Бундан ташқари биржа аъзолари бўлмаганларга ҳар бир марталик билетлар билан операцияларда қатнашишга руҳсат этилади.

Англия ва Американинг пахта, дон, металл биржалари хусусий-ҳуқуқий биржалар ҳисобланади. Биржа корпорацияларининг аъзолари бўлган тор доирадаги кишиларгина бу типдаги биржаларда иштирок этадилар, ҳолос. Бу биржалар юқорида айтганимиздек кам сонли аъзоларга эга бўлиб, очик ҳисоб-китобга эга бўлган акциядорлик жамиятлардир.

Аслида биржа олди-сотди бўйича битимларни амалга оширмайди. Ҳамма ишни битимлар тузишда иштирок этадиган мутахассис воситачиси брокерлар бажаради. Биржа аъзоси бўлмаганлар факат брокерлар оркали битим тузишлари мумкин. Биржадаги нарх-наво томонларининг узаро тукнашуви, талаб ва таклиф уртасидаги узаро нисбатга қараб шаклланиб боради. Биржа уз аъзоларига барча шароитларни, чунончи биржа операцияларини утказиш учун махсус хоналар, товар саклайдиган махсус жихозлар, телефон буткаси, брокерлар учун телетайплар ва бошқа алоқа воситаларини тайёрлаб беришга мажбур. Биржа сессияларини утказиш учун уз аъзолари ичидан раислик қилувчи ва маклерларни тайинлайди.

Биржа сессиялари (ишчи соатлари) пайтида биржа аъзолари йиғилишиб, уз товарларини олиб-сотиш борасида маслаҳатлашадилар. Улар типовой контрактларни уз ҳисобларидан ва маълум тартиб – қоидага асосан брокерлар оркали тузадилар. Бу битимларни назорат қилиш ва биржа фаолиятини бошқариб бориш савдогарлар уюшмаси томонидан амалга оширилади.

Товар биржаларида реал товар олди-сотдисида чайковчилик, битим сугуртасидан (хеджирлаштириш) фойдаланилади. Аммо бошқа вазифалар ҳам, масалан нархни белгилаш, биржа товарларига стандартларни белгилаш, типовой контрактларни ишлаб чиқиш, савдо қоидалари ва одатларини расмийлаштириш каби муҳим масалалар ҳам ҳал қилиниши керак. Улар арбитраж вазифаларни ҳам утайдилар, ҳисоб палаталари оркали биржа бозорлар уртасидаги ҳисоб-китобларни утқази, ахборот фаолияти Билан ҳамшугулланишади ва яна бир қанча хизматларни бажаради.

Бу хизматлар ичида энг муҳими – нарх котировкасидир. Биржа йиғилишида аниқланган нарх даражасини руйхатга олиш ва режалаштириш оркали бу иш амалга оширилади. Биржа аъзоларидан бирининг раислигида

тузилган махсус котировка комиссияси томонидан нархлар назорати белгиланади, бир канча брокер ва маклерлар ҳам бу комиссия таркибига киритилади. Биржа котировкаси бозор конъюктурасининг муҳим курсаткичи бўлиб, биржа уйинлари учун купинча сохталик манбаи бўлиб хизмат килади.

Арбитраж комиссияси ёки доимий ҳакамлар суди биржа аъзолари уртасидаги низоларни ҳал килади. Унинг қарори мажбурий бўлиб одатда суд қарори қучига тенг бўлади.

Ҳозирги замон биржаларининг хусусияти шундаки, ривожланган мамлакатларда масалан, АКШда агар махсулот бўйича фьючер битимлар, сугурта хиллари кенг тарқалган. Биржаларнинг бозор маълумотларини, жумладан талаб ва таклиф, товар сифатига бўлган талаблар ҳақидаги маълумотларни тарқатишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Биржа ахборотларининг муҳим белгиси ва устунлиги уларнинг прогнозлик хусусиятидир. Акция курсининг кутарилиши ёки пасайиши борасида уйин олиб боровчи скредерлар ва мавкеи баланд маклерлар уз хатти- ҳаракатлари ва изланишлари билан бозор конъюктурасининг анча вақтдан кейинги узгаришларини аниқлашга ёрдам берадилар. Бу эса аграр секторининг келажак ривожланишига таъсир килади, куплаб фермерлар, АСК фирмаларининг уз фаолиятларини бошқаришда тугри ва самарали чоралар белгилашларини таъминлайди.

Шундай ҳулосага келиш мумкинки, воситачиликни, хусусан биржа фаолиятини ривожлантирмасдан бозор муносабатларини шакллантириб бўлмайди. Бу нарса аграр иктисодиёт учун янада зарур. Фақат турли туман воситачи ташкилотларнинг ёрдами билан ишлаб чиқаришнинг барча бугинлари тез-тез узгариб тураётган шарт-шароитларга мослашади. Бунда давлат органларининг ролини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Улар рақобатни рағбатлантирилиши, очик бозор тизимларини химоя қилиши, улар ҳақида очик иктисодий маълумотларни эълон қилиб боришда қўл ишлар қилишлари керак. Бу нарса анча чекланган табиий ва моддий ресурсларни аҳолининг эҳтиёжларини қондиришга тула сафарбар этиш имкониятини беради.

Такрорлаш учун назорат саволлари.

1. Ҳежирлашнинг мазмуни ва моҳияти.
2. Ёширин савдо қилиш қоидалари.
3. Ҳежирлашнинг асосий қоидалари.

Мавзу: 8 - Фонд биржалари.

Маъруза 1.

1. Фонд биржаларининг асосий вазифалари ва функциялари.
- 8.2. Ўзбекистоннинг фонд бозори. Фонд биржасининг аъзолари . Биржа аъзоларининг асосий вазифалари. Биржа аъзоларининг имкониятлари ва жавобгарлиги.

3. Биржанинг бошқарув органлари.
4. Биржанинг ташкилий тартиби.
- А) Биржа аъзоларининг умумий мажлиси
- Б) Биржа молиявий хужалик фаолиятининг назорати.
5. Кимматли коғозлар тушунчаси ва уларнинг турлари. Бирламчи ва иккиламчи кимматли коғозлар бозори. Кимматли коғозлар келишувларининг туркумланиши.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср га интиломда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000
3. «Биржалар ва биржа фаолияти тугрисида». Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган.
4. «Кимматли коғозлар ва фонд биржаси тугрисида». Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган.
5. Павлов С.В. Фондовая биржа и ее роль в экономике современного капитализма. – М.: Финансы и статистика, 1999
6. С.Н.Усмонов, Ю.Т.Дадабоев. Бозор иқтисодиёти асослари. Фан нашриёти, 1999 й.
7. Е. Абдуллаев., Ш.Шоҳаъзамий. Кимматли коғозлар Т. Мехнат 1997 й.

8.1. Фонд биржаларининг асосий вазифалари ва функциялари. Ўзбекистоннинг фонд бозори. Фонд биржасининг аъзолари. Биржа аъзоларининг асосий вазифалари. Биржа аъзоларининг имкониятлари ва жавобгарлиги. Биржа - бу бозорни уюштиришнинг ташкилий шакли. У турли кўринишларда бўлади.

- Товарлар биржаси (товарлар бозори);
 - Фонд биржаси (кимматли коғозлар бозори)
 - Валюта биржаси (валюта бозори);
 - Меҳнат биржаси ("ишчи кучи" олди-сотди бозори).
- Фонд биржаси - бу кимматли коғозлар билан олди-сотди муомаласини олиб борадиган жой. Унинг олдида қуйидаги вазифалар туради

- кимматли коғозлар бир маромда муомалада бўлишининг зарур шароитини таъминлаш;
- кимматли коғозлар талаб ва таклифи ўртасидаги мувозанатни акс

этирувчи нархларни, яъни бозор баҳосини белгилаш;

- қимматли қогозлар бозори қатнашчиларининг қасб маҳоратини юқори даражада саклаб бориш;

мунтазам равишда (хафтасига камида бир марта) нарх-наво аикданишига, индексацияси ўзгаришига, савдо-сотик вақти, қимматли қогозлар, битим хажмлари,

контрактларнинг миқдорига ва бошқа кўрсаткичларга доир ахборотларни биржанинг ҳолати ва унинг ривожланишига доир тахминий шартларни эълон қилиш. Дунёда биринчи фонд биржаси 1773 йилда Лондонда брокерлар томонидан қимматли қогозлар билан савдо қилиш учун ташкил этилган. У дастлаб қироликнинг пул алмаштириш муассиси (банки) биносининг бир қисмида ижарага жойлашади. 1791 йилда Филадельфия шаҳрида Америкада биринчи фонд биржаси ташкил этилган. 1792 йилда эса Нью-Йорк фонд биржаси очилган. У биржа ҳозирги кунгача дунёнинг энг етакчи фонд биржаси бўлиб келяпти. Ҳозирги даврда дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатларида 200га яқин фонд биржалари мавжуд. Шундан 15таси Шимолий Америкада. (АҚШ ва Канада мамлакатларида), ЮОдан ортири - Европада, 20 таси Жанубий Америкада, қолганлари Осиёда, Австралияда, Африкада, Россияда ва бошқа мамлакатларда, 30 дан ортиқ биржалар Парижда жойлашган фонд биржаларининг Халқаро федерациясига бирлашган бўлиб, у қимматли қогозлар бозорлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва акционерларнинг ҳуқуқларини таъминлайди. Фонд биржалари ким томонидан рўйхатга олинади Фонд биржаси Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади ва у қимматли қогозларга доир фаолият юритиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан лицензия олади. Лицензия олмаган ташкилот бундай фаолият юритишга ҳақли эмас. Биржа фаолияти давлат томонидан тартибга солиб турилади. Бунинг учун қуйидаги ишлар бажарилади: • биржани ва биржа фаолияти иштирокчиларини (юридик шахсларни) давлат рўйхатидан ўтказиш; • лицензиялар бериш; ; • биржа фаолиятини солиқ солиш йўли билан бошқариш; • биржага доир қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш. Биржани давлат рўйхатидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўтказади. Биржа қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш эса "Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида"ги қонунга мувофиқ амалга оширилади. Лицензия олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тайёрланади: лицензия олиш учун ариза; таъсис шартномаси; биржа устави ва давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома; биржадаги савдо қоидалари; • устав капиталининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорини ўтказганлик ҳақида банк маълумотномаси;

• савдо-сотикни олиб бориш жойидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат. Биржага лицензия бериш тартибини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси белгилаб беради. Молия фонд биржалари ва валюта биржаларида мустақил ва мустақил бўлмаган таркибий бўлинма сифатида фонд бўлинмалари ташкил этилиши

мумкин. Фонд бўлинма ўз фаолиятларида фонд биржаларига кўйиладиган барча талабларга амал қилишлари лозим.

Фонд биржаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биржа уставига ҳамда қимматли қогозлар билан борлиқ юмушларни амалга оширишнинг ички қоидаларига амал қилишади.

**Фонд биржасида "Айиклар", "Букалар" ва нобиржавий бозорда
"Қуёнлар" ўйинлари қандай мақсадларда
уюштирилади?**

Профессионаллар фонд бозорида фаолият кўрсатиш жараёнида турли "ўйинлар"ни кўллайдилар. Шунга қараб уларга нисбатан "айиклар", "букалар" ва "қуёнлар" каби махсус терминлар кўлланилади.

"Айиклар" ўйини - даромад олиш мақсадида қимматли қогознинг бозор нарҳини пасайтиришга қаратилган жараён. Бу жараённи қуйидагича . ифодалаш мумкин. Профессионал маълум қимматли қогознинг бозор нарҳининг пасайишини олдиндан сезган холда уни маълум муддатга қарзга олиб туради. Қарзга олинган қимматли қогоз унинг нарҳи пасаймасдан пайт пойлаб дарров сотиб юборилади:

Қарз муддати етиб келгач қимматли қогознинг нарҳи пасайиб кетади ва шу пасайган нарх бўйича "айик" қарзга олган қимматли қогоз учун ўз қарзини тўлайди. Бунда "айик"нинг даромади қарзга олинган қимматли қогозни сотиш нарҳи ва қарзини тўлаш вақрда унинг баҳрси тафо-вути кўринишида ифодаланади. Кредиторлар эса ўзларининг қимматли қогозларининг нақд пулга айланишидан матраатдор бўладилар.

"Бука"ўйини. Бунда "Бука"қимматли қогозларни нақд пулга сотиб олади ва уларни қимматроқ нархга сотиш мақсадида бозор нарҳининг кўтарилишини пойлаб туради.

"Қуён" ўйини. У нобиржавий бозор воситачиси бўлиб, кенг оммага маълум бўлмаган ёки ишончсиз эмитентларнинг расмий рўйхатга олинмаган ва муайян нархга эга бўлмаган молиявий воситаларнинг олди-сотдисини амалга оширади. Бунда "Қуён" нобиржавий бозорда нархлар тафоввутидан даромад олиш мақсадида қимматли қогозларнинг таваккаллик асосида сотиб олади ва қайта сотади.

«Тошкент» биржаси - Ўзбекистондаги биринчи ягона фонд биржаси. У Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1994 йил 8 апрель куни ёпик, турдаги акционер жамиятида рўйхатдан ўтган. Ҳозир у ўз сафларида 250 аъзони бирлаштириб, бунга АЖД1, Олмония, Россия, Тошкент вакиллари ҳам қирадилар. Ҳозирги пайтда республиканинг турли минтақаларида "Тошкент" фонд биржасининг минтақалараро шахобчалари барпо этилган. Улар қуйидаги тамойилларга асосланиб иш кўради: Биржа шахобчалари "Тошкент" фонд биржасининг қимматли қогозлар билан операциялар қилишли амалга ошириш қоидаларига асосланиб ишлайдилар. Шахобчалардаги қимматли қогозлар савдосида фақат

республика "Тошкент" фонд биржаси аъзолари хисобланган инвестиция институтлари қатнашувчилари иштирок этадилар. Бунда қатнашчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг лицензиясига Миллий депозитарийда ёки унинг шахобчаларида хисоб варақасига эга бўлишлари зарур. Шахобчаларда ишловчи брокерлар "Тошкент" фонд биржасининг Малака комиссияси томонидан берилган махсус сертификатга эга бўлиши керак. Шахобчада киймати белгиланишга тақдим этилган қимматли қогозлар экспертизадан ўтмоги лозим. Шахобчалардаги биржа операциялари бир вақтда амалга оширилади. Савдолар электрон усуллар билан амалга оширилади. "Тошкент" фонд биржасининг акциялари фонд бозорида эркин сотилмайди. Фақат биржанинг кўпчилик акционерларнинг розилиги билан бир акционердан иккинчи-сига сотилиши мумкин. "Тошкент" фонд биржаси қуйидагиларни амалга оширишга ҳақли эмас: бошқа компаниянинг муассиси бўлиш; брокерлик ўринларини сотиш;

инвестиция институтлари сифатида фаолият юритиш;
ўзининг акцияларидан бошқа акцияларни чиқариш;
биржа фаолияти билан боглик, бўлмаган лойиҳаларга пул маблағларини инвестиция қилиш;
ўз акцияларини ҳар қандай биржаларга сотиш;
Биржа аъзоси фонд биржасидан бир неча брокерлик ўрнини сотиб олиши мумкин.


Барча биржавий амаллар фақат фонд биржасининг ичида тузилиши, қайд қилишини барча савдода иштирок этувчилар ўртасида очик эълон қилиниши лозим.

«Тошкент» фонд биржаси қуйидагиларни амалга оширишга ҳақли эмас:

- Бошқа компаниянинг муассиси бўлиш;
 - Брокерлик уринларини сотиш;
 - Инвестиция институтлари сифатида фаолият юритиш;
 - Узининг акцияларидан бошқа акцияларни чиқариш.
 - Биржа фаолияти Билан боглик бўлмаган лойиҳаларга пул маблағларини инвестиция қилиш;
 - Уз акцияларини ҳар қандай биржаларга сотиш;
- Биржа аъзоси фонд биржасидан бир неча брокерлик ўрнини сотиб олиши мумкин.

Барча биржавий амаллар фақат фонд биржасининг ичида тузилиши, қайд қилиниши ва барча савдода иштирок этувчилар ўртасида очик эълон қилиниши лозим.

ТОШКЕНТ «ФОНД БИРЖАСИ» ТУЗИЛИШИ



Қимматли қозғалар муомаласини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия)си бўлган юридик ва жисмоний шахслар фонд биржаси муассислари бўлиши мумкин. Биржада брокерлик ўрнини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахслар фонд биржасининг (товар-фонд биржаси ёки валюта биржаси фонд бўлимининг) аъзолари бўлишлари мумкин. Фонд биржаси аъзоларининг

сонини биржанинг бошқарув органлари тартибга солиб турадилар. Давлат ҳокимияти ва бошқарув, прокуратура ва суд органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва мугахассислари фонд биржаси аъзолари бўлишга ҳақли эмаслар. Фонд биржаси аъзолари қимматли коғозлар муомаласини амалга ошириш учун рухсатномаларга эга бўлган ҳамда инвестиция муассиси мақомини олган тақдирдагина олди-сотдига қўйилади. Брокерлик ўрнини сотиб олган жисмоний шахс уни давлат ҳокимияти маҳаллий органларида рўйхатдан ўтказганидан ва банкда ҳисоб-китоб счёти очганидан кейингина олди-сотдига қўйилиши мумкин. Республикамиз фонд биржасидаги олди-сотдини фақатгина брокер амалга ошириши ва қонунлаштириши мумкин. Маклер, катта маклер ва уларнинг ёрдамчилари операцияларда кузатувчи сифатида иштирок этадилар. Ўзбекистон Республикасининг "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги қонунга мувофиқ қуйидаги идоралар, муассасалар, бирлашмалар биржа бўлиши мумкин эмас: • давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий ҳамда маҳаллий идоралари; давлат банклари ва давлат кредит муассасалари (бунда банклар фонд ва валюта биржаларининг муассасалари бўлиши мумкин); давлат суғурта ва давлат инвестиция компаниялари ҳамда фондлари; жамоат, диний ва хайрия бирлашма (ташкилот)лари ҳамда фондлари; қонунларга қўра тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган жисмоний шахслар.

Инвестиция институтларининг биржа аъзолигига киришида уларга қўйиладиган энг кам мажбурий талабларни белгилаш; биржа олди-сотдиларида биржа аъзолари вакилларининг малакасига қўйиладиган талабларни белгилаш; биржа йўналишларини чиқариш ва утказиш; экспорт, малака ва баҳолаш комиссиялари, маслаҳат ва маълумотнома берувчи шўъбалар ҳақида уларни ишлаши учун керакли бошқа муассасалар, шунингдек қимматли коғозлар муомаласини амалга оширишдаги низоларни ҳал қиладиган комиссияларни таъсис этиши; ўз уставига мувофиқ биржа аъзолари тўлайдиган кириш ва жорий бадалларни белгилаш ва уларни ундириб олиш: битимларни рўйхатга олганлик, техник хизмат кўрсатганлик учун, доимий ва биргаллик мижозлардан биржада бўлганлик учун ҳақ белгилаш ва уларни ундириб олиш: биржа уставини, биржа йиғилишлари қоидаларини бузганлик, рўйхатдан ўтказиш йиғимини вақтида тўламаганлик учун жарима ва бўнаклар ундириб олиш; биржа буклетлари, маълумотлари, тўпламларини чоп этиш; назорат қилувчи органларнинг қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатлари устидан суд тартибида шикоят қилиш.

Фонд биржасининг уставига қуйидагилар ўз аксини топади: биржанинг номи ва тури; биржа манзилгоҳи; биржа фаолиятининг соҳаси ва мақсади; устав фондининг миқдори (республикада унинг суммаси 50 млн. сўмдан кам бўлмаслиги керак); муассислар томонидан фондга улушлар киритилишининг тартиби ва муддатлари; даромадгў тақсимлаш ва бўлжалланган зарарларни қоплаш тартиби; биржа муассасалари ва

аъзоларининг мулкӣ жавобгарлиги; биржанинг бошқарув органлари, уларни ташкил этиш тартиби ва уларнинг ваколатлари; биржа савдосотиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартиби; биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни вақтинча тўхтатиб туриш тартиби, биржа аъзоларининг ҳуқуқ, ва мажбуриятлари; биржапи қайта тиклаш, ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

8.3. Биржанинг бошқарув органлари. Фонд биржаси куйидаги бошқарув тизимига эга. Акциядорларнинг умумий йиғилиши - олий бошқарув органи, акциядорлар ва уларнинг вакилларида ташкил топган. Биржа кенгаши - бошқарув органи, акциядорларнинг умумий йиғилишлари оралигида биржанинг фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштириб туради. Тафтиш ҳайъати - биржанинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилувчи орган. Тезкор бошқарув - бажарувчи орган, биржанинг кундалик оператив бошқарувини амалга оширади. Бошқарув аппарати ва котибият. Маклерат - биржавий амалларни бажариш жараёнида воситачилик вазифасини бажаради. Унинг таркибига бош маклер, маклерлар, қимматли қогозлар билан бошқа олди-сотди амалларини қайд қилувчи, қимматли қогозлар билан ҳисоб-китоб қилувчи клиринг палатаси. Ташқи иқтисодий алоқалар бўлими - чет эл мамлакатлари биржалари билан алоқалар ўрнатиш ва биргаликдаги фаолият турларини ривожлантириш вазифасини бажаради. Эксперт ҳайъати - эмитентларининг қимматли қогозларини экспертиза қилади ва шу асосда қимматли қогозларнинг биржавий нархини белгилайди (котировкага киритилиши учун) ва биржада сотилишига рухсат беради. Малака ҳайъати - брокерларнинг малака даражасини текиштиради ва шу асосда уларга қимматли қогозлар билан боғлиқ, биржавий амалларни бажариш учун рухсат беради. Нархларни белгилаш (котировка) ҳайъати - биржада сотилган қимматли қогозларнинг биржавий нархларини расмий равишда белгилайди ва биржа бюллетенини тузади. Ҳуқуқий бўлим - биржа ва брокерлик идораларининг фаолият юритишлари жараёнида қонунга риоя этишларини назорат қилади. Арбитраж (ихтилоф, тортишувларни ҳал қилиш) ҳайъати - биржавий шартномаларни тузиш ва бажариш, биржавий савдоларни тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнларида юзага чиқадиган тортишувларни ҳал қилади. Матбуот ва ахборот хизмати - биржа сраолиятининг рекламасини таъминлайди ва ахборотлар тайёрлайди. Техник бўлим - оргтехника, алоқа ва компьютер воситаларининг ишлашини таъминлайди. Бухгалтерия бўлими - биржанинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилади ва ҳисобини олиб боради. Хўжалик хизмати - биржанинг хўжалик ишларини бажаради.

8.4. Биржанинг ташкилий тартиби. Қимматли қогозларга доир биржа амалларини бажаришда қўлланиладиган қоидаларни биржанинг юқори бошқарув органи, яъни акционерларнинг умумий йиғилиши

тасдиқланади. Бу қоидаларда қуйидагилар назарда тутилади; кимматли қогозлар одли-сотди принциплари; биржа катнашчиларининг таркиби, уларга қўйиладиган талаблар мажмуи; биржа йигилишлари ўтказиладиган жой ва вақт тўғрисидаги ахборот; кимматли қогозларни биржа олди-сотдисига чиқариш тартиби; биржа битимларининг тавсифи; миқозлар брокерларга берадиган топшириқ (бўйруқ) турлари; олди-сотдини ташкил этиш; битимларни рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби; • кимматли қогозлар муомаласини амалга оширишда фойдаланиладиган шартнома, ҳисобот, буюртма ва хабарномалар ҳамда биржага оид бошқа ҳужжатлар намуналари.

Фонд биржаси биржа олди-сотдиси вақтида битимлар тузиш, битимларни текшириб қўриш ва улар юзасидан ҳисоб-китоб қилиш тартибини мустакил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Фонд биржалари ва фонд бўлимлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишиб олинган кимматли қогозлар муомаласи битимларини амалга ошириш низомлари ва ички қоидалари, фонд биржаси устави (фонд бўлими тўғрисидаги низом) асосида иш тутадилар.

8.5. Кимматли қогозлар тушунчаси ва уларнинг турлари. Бирламчи ва иккиламчи кимматли қогозлар бозори. Кимматли қогозлар келишувларининг туркумланиши.

Кимматли қогозлар унга эга бўлган одамларга маълум миқдордаги пул суммаси тегишли эканини ёки шу кимматли қогозларни чиқарган юридик шахс мулкнинг бирор қисмига эгалик қилиши мумкинлигини тасдиқловчи юридик кучга эга ҳужжатлар ҳисобланади.

Кимматли қогозларни муомалага чиқарган ташкилот эмитент деб, бу қогозларни чиқариш ва эгалари уртасида тақсимлаш жараёни эса эмиссия деб юритилади.

Эмиссия фаолиятини кенгайтириш учун ёки конкрет инвестицион лойиҳалар учун молиявий ресурсларни жалб этиш мақсадида амалга оширилади. Давлат органлари эмиссияни купинча бюджет тақчиллигини камайтириш учун ташкил этишади.

Россия кимматли қогозлар бозорининг шаклланиш хусусиятларидан бири - хусусийлаштириш жараёнида давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига айлантириш пайтида акциялар чиқаришдан иборат бўлди.

Россияда оммавий хусусийлаштириш катта ҳажмдаги кимматли қогозларнинг оборотга кириб келишини тезлаштирди, аммо бундай тажриба жаҳон бозорида муваффақиятли ҳодиса эмас. Одатда, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда хусусийлаштирилаётган корхона бунгача акционерлик жамияти ҳисобланиб, акциялар чиқарган ва муомалага киритган бўлади.

Акцияларни сотиб олиш жисмоний шахслар учун инвестициянинг кенг таркалган усулидир. Кимматли коғозлар молиявий ресурсларнинг тармоқларга келишини таъминловчи муҳим механизмдир. Бу ходисанинг истикболли эканлиги яққол кузга ташланиб турибди.

Кимматли коғозлар бир канча хусусиятлари билан бир биридан ажралиб туради. Улардан бири кимматли коғозларга эга булган шахснинг ҳақ-ҳуқуқларидир. Мана шундан келиб чиқиб, кимматли коғозлар учга бўлинади.

1. Пул олувчининг исми ёзилмайдиган кимматли коғозлар.
2. Эгаси ёзилган кимматли коғозлар.
3. Ордерли кимматли коғозлар.

Кимматли коғозлар бирламчи ва иккиламчи бўлиши мумкин. Бирламчи кимматли коғозлар даромад қилиш ёки капиталдаги ҳиссага ҳуқуқ берувчи, иккиламчи кимматли коғозлар деганимизда эса бирламчи кимматли коғозларни масалан, опционлар, хусусийлаштирилган чекларни сотиб олиш ёки сотишни тушунамиз. Асосий кимматли коғозлар уз эгасига катта ҳуқуқлар берса, қушимча кимматли коғозлар айрим қушимча ҳақ-ҳуқуқни беради.

Улгуржи биржаларда мавжуд бўладиган акциялар, облигацияларни биз фонд кимматли коғозлари деб атаёмиз. Тижорат кимматли коғозлари товар оборот ва ҳар хил мулкӣ битимлар тузишда ишлатилади.

А) Акциялар.

Акция – акциядорлик жамияти томонидан муомалага чиқариладиган кимматли коғоз бўлиб, жамият устав фондига инвесторларнинг ҳиссасида акс этади. Оддий ва имтиёзли акциялар кенг таркалган. Оддий акция эгасига акциядорлар йигилишида, акционерлик жамиятининг Олий ижроия органида бита овозга эга бўлиш ҳамда фойданинг бир қисмини (акциялардан келадиган даромад дивидент деб аталади), ҳудди шу акцияга тегишли булган, фонд уставида таъкидланган ҳиссани олиш ҳуқуқини беради. Акцияга эга бўлиш бошқармада қарорлар қабул қилишга таъсир қилиш имкониятини беради. Яъни бита акция – бита овоз дегани.

Акциядорлик капиталининг бу муҳим хусусияти қорхонанинг назорат пакетлари акцияларига эга бўлиш учун интилишини қучайтириб юборади ва бу Билан бошқариш қарорлари устидан каттик назорат урнатиш имконияти пайдо бўлади.

Акциядорлик жамиятлари очик ва ёпик турда бўлиши мумкин. Очик турдаги АЖ акцияларини бошқа бировларга очик қайта сотиш мумкин, ёпик турдаги жамият акциялари эса акциядорлар розилиги Билан сотилади.

Ёпик турдаги акциядорлик жамиятлари – булар асосан унча катта булмаган нодавлат корхонаси саналади, айрим хусусийлаштирилган корхоналар фонд биржаларидан иборат булади.

Очик турдаги акциядорлик жамиятлари – одатда йирик корхоналардир.

Имтиёзли акцияларни караб чикайлик. Бу акциялар овоз бериш ҳукукини бермайди, жамият фаолиятидаги молиявий натижаларидан катъий назар даромадни кафолатлайди. Даромад микдори эмиссия пайтида айтиб куйилади ва у факат купайиши мумкин холос. Масалан, имтиёзли акциялар дивиденди оддий акциялар дивидендидан кам кам булмаслиги керак.

Акциялар олди-сотдисини кузатганда камида туртта бир-биридан фарк килувчи акция нархлари борлигини унутмаслик лозим.

Акциянинг номинал нархи кимматли коғознинг узида курсатилади ва фонд уставига туланган бадалга тенг булади. Акция муомаласида номинал ҳеч кандай аҳамиятга эга эмас.

Эмиссия нархи деганда акцияларни илк бор сотишда куйилган баҳо тушунилади.

Бозор ёки курс баҳоси бозор муносабатлари таъсирида иккинчи марта сотилаётганда куйилади.

Баланс баҳоси жамият устав фондидаги хиссасига мос ҳолда бир акцияга тугри келувчи жамият мулки микдorigа тенг булади.

Б) Облигациялар.

Облигациялар элементининг инвестор олдидаги қарз мажбуриятидир. Облигациялар кимматли коғозлардан бири булиб, молиялаштирилган даромад ҳисобланади, яъни облигациялар буйича туланадиган фоизлар эмитент ишлари натижасига боғлиқ булмайди. У олдиндан эълон қилиб куйилади. Облигациялар шунинг учун акцияларга нисбатан анча ишончли коғозлардир.

Худи манна шу хусусияти билан облигациялар кенг оммалашган. Жаҳон фонд биржалари оборотларининг 3/2 қисми облигациялар хиссасига тугри келади. Энди облигацияларни ҳаратерлаб унинг хусусиятларини қуриб утамыз.

1) Эмитент статуси.

Агар акция эмитенти асосан нодавлат корхоналари булса, облигациялар ҳам давлат томонидан, ҳам хусусий компаниялар томонидан чиқарилади. Эмитент статусига қура алоҳида категорияларда чет Эл эмитентлари курсатилади. Юкорида айтганимыздек, облигациялар

давлат органларига ҳам, хусусий компанияларга ҳам тегишли булиши мумкин.

2) Облигацияларни чикаришдан мақсад булади.

Облигациялар одатда инвестицион объектларни молиялаштириш ва эмитент қарзларини қоплаш учун чикарилади.

3) Облигацияларнинг муомала муддати.

Облигациялар бир йил ва ундан ортиқ муддатга чикарилади. Қисқа муддатли (бир йилдан уч йилгача), урта муддатли (уч йилдан ун йилгача), узок муддатли (10 йилдан 30 йилгача) ва чексиз муддатли булиши мумкин.

4) Даромадларни тулаш тартиби.

Одатда облигациялар бўйича даромадлар уларнинг номинал қийматининг процентлари шаклида, бир йилда 1-4 марта туланади.

5) Қарзларни қафолатлаш йуллари.

Облигациялар ҳужалик фаолиятида қелувчи маблағлар ёки маълум қафолат мажбуриятлари орқали мулкӣ қаров билан мустаҳкамланади.

6) Облигацияларни тулаш тартиби.

Облигациялар олдиндан белгиланган нарҳда маълум муддатда туланади. Баъзи облигациялар маълум товарларни арзонроқ нарҳларда сотиб олиш имқониятини беради.

В) Депозит омонат сертификатлари.

Депозит ва омонат сертификатлари – бу жамғармани ва унга белгиланган фоизларни олиш имқониятини берадиган банк шартномаси. Булар қайта сотилиши мумкин бўлган муддатли банк жамғармасининг узига ҳос қуринишидир.

Депозит ва омонат сертификатлари қимматли қозғалар турқумига мансуб бўлиб, фонд биржаларида сотилади.

Г) Векселлар

Вексел- қонунда белгиланган шаклда тузилган қарз мажбуриятлари бўлиб, вексел эғасига муддат утиб бўлинган, қурсатилган суммани олиш ҳуқуқини беради. Бозорнинг векселга доир қисмида алоҳида технология қулланилади:

ОДДИЙ ВЕКСЕЛ- қарздор томонидан тузилади ва қредиторга белгиланган суммани тулаш мажбуриятини қурсатади.

ТУНТАРИШ ВЕКСЕЛИ (трата) – кредитор томонидан тузилган булиб карздорга (трассатга) векселни курсатувчи (ремитент) оркали белгиланган суммани бериш мажбурийлиги курсатилади.

ИНДОССАМНЕТ- вексел буйича суммани талаб килиш ҳукукининг бир кишидан иккинчи кишига утиши ҳақида векселда ёзиб қўйилади.

АВВАЛЬ- маълум топширикномага эга булган шахс карздор мажбуриятларини бажаришга узини мажбур деб ҳисоблайди. Авваль қисман булиши мумкин.

Такрорлаш учун назорат саволлари.

1. Фонд биржаларининг асосий вазифалари ва функциялари.
2. Ўзбекистоннинг фонд бозори ва ривожланиш муаммолари.
3. Биржа аъзоларининг асосий вазифалари.
4. Биржанинг бошқарув органлари.
5. Биржа молиявий хужалик фаолиятининг назорати.
6. Қимматли қозғалар келишувларининг турқумланиши.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Қаримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср га интиломқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

2. Каримов И.А. Иктисодни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг мухим вазифамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000
3. «Биржалар ва биржа фаолияти тугрисида». Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган.
4. «Қимматли қогозлар ва фонд биржаси тугрисида». Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган.
5. Павлов С.В. Фондовая биржа и ее роль в экономике современного капитализма. – М.: Финансы и статистика, 1999
6. С.Н.Усмонов, Ю.Т.Дадабоев. Бозор иктисодиёти асослари. Фан нашриёти, 1999 й.
7. Е. Абдуллаев., Ш.Шоҳаъзамий. Қимматли қогозлар Т. Мехнат 1997 й.
8. Бутиков И.Л. Қимматли қогозлар бозори. – Тошкент: Консадитинформ. 2001